

КОГНИТИВ-ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛ

Д.М.Бузрукова

*ФарДУ мактабгача таълим
кафедраси ўқитувчиси*

Когнитив-лингвистик тадқиқотларнинг мақсади тилда маълум бир концептни ифодаловчи барча сўзлар ва ибораларнинг маъноларини тавсифлаш, тизимлаштириш, яъни тизимли равишда тавсифлаш, концептнинг тузилишини моделлаштириш учун олинган натижаларни когнитив талқин қилиш жараёнини тақдим этишдир (семантик, лексик-фразеологик, лексик-грамматик, синтактик майдон). Яъни концептуал таҳлилнинг асосий мақсади концептуал модел ёки концептни яратишдир.

Масалан, «Муҳаббат» концептининг структуравий хусусиятлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун концептуал моделлаштириш усулидан, яъни юқорида айтиб ўтганимиздек, фрейм таҳлилидан фойдаланган ҳолда, унинг структурасидаги фрейм шаклланиши ва лексикографик изоҳларни ўргандик.

Фрейм тушунчаси концепт билан боғлиқ бўлган когнитив тузилма сифатида унинг лексик майдонига хос бўлган синонимик бирликлар фрейм-сценарий гуруҳларига бўлинади. Муҳаббат концептининг вербаллашувида иштирок этувчи воситаларнинг синонимик каторлари ўртасидаги фарқли хусусиятларни таҳлил қилиш тадқиқот ишимизнинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради.

Сўзларнинг луғавий маънолари, лексик-семантик ва лексикографик тавсифини, тилда ҳис-туйғуларни ифодлашнинг лексик воситаларини турли тилларда кўриб чиқиш ҳамда уларнинг семантик тавсифи ва метатилнинг

луғатларда ифодаланиши Л.Г.Бабаенко, А.Вежбицкая, Л.В.Какабадзе-лар томонидан асослаб берилган¹.

Рус тили паремиологиясида акс этган “муҳаббат” концептининг когнитив белгиларга кўра, севги айрилиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, *Без милого не жить, а и при милом не быть; осолит разлуку нашу горсть сырой земли; разлучит нас заступ, да лопата; Но: с глаз долой – из сердца вон.* (http://www.poslovitza.ru/o_lubvi.html)

“Муҳаббат” концептининг лингвомаданий хусусиятлари рус халқ мақолларида кўпинча, ихтиёрийлик асосида муҳаббат объектини танлаш кераклигида намоён бўлади. Бу мазмундаги мақолларда мажбурийлик когнитив белги сифатида юзага чиқади: *нужда заставит, и сопливого полюбишь; яблочка нет, съешь и морковку; нет пирога, и сухарю рад; за неимением гербовой, пишут и на простой; лучше взять такого, когда нет никакого; с горчишкой и этот сойдёт; хоть за старца, лишь бы в девках не остаться.* (http://www.poslovitza.ru/o_lubvi.html)

“Муҳаббат” концепти доирасидаги рус халқ мақолларида муҳаббат эгаси ўз севиклиси билан бирга бўлиш истагида яшаши алоҳида аҳамият касб этади: *с милым – хоть на край света; с милым во любви жить хорошо; с милым годок покажется за часок; когда идёшь к любимой, не чувствуешь укуса комаров; к милому семь вёрст не околица;* (http://www.poslovitza.ru/o_lubvi.html)

Халқ тафаккури дурдонаси ҳисобланмиш паремиялар инсонларнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан доно қарашларни ифодалаши билан қадрлидир. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз менталитетини қайсидир маънода паремияларда ифодалайди. Уларда тимсоллар тизими ўзига хослиги, тарихий шаклланган ва маълум тилда сўзлашувчи жамоани ўраб турган воқеликни

¹. Бабенко Л.Г. Лексические средства обозначения эмоций в русском языке. – Свердловск: Изд-во Урал. ун-та. 1989. – 185 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – Москва: Русские словари, 1996. – 416 с.; Какабадзе Л.В. Лексико-семантическое поле понятия «любовь» в современном французском и грузинском языках: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Тбилиси, 1986. – 21 с.

англашдаги кўп асрлик мулоқоти тажрибаси жам бўлган². Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, рус халқ мақолларининг айримларида муҳаббат ўз эгасига азоб бериши мумкинлиги ҳам акс этган: *где любовь, там и напасть; полюбив, нагорюешься; у моря горе, у любви вдвое; нельзя не любить, да нельзя и не тужить; не спится, не ложится, всё про милого грустится; горе мне с вами, с карими очами!; испортила девка паренька, навела девка сухоту.*

http://www.poslovitza.ru/o_lubvi.html)

Биз таҳлил қилаётган “муҳаббат” концепти бевосита инсонларга хос ҳиссиётларнинг энг муҳим жиҳати билан боғлиқ бўлганлиги учун у билан алоқадор бўлган қайғу, азоб, рашк, соғинч ҳислари деярли барча халқлар мақолларида яққол кўзга ташланади: *где любовь, там и напасть; полюбив, нагорюешься; у моря горе, у любви вдвое; нельзя не любить, да нельзя и не тужить; не спится, не ложится, всё про милого грустится; горе мне с вами, с карими очами!; испортила девка паренька, навела девка сухоту.*

http://www.poslovitza.ru/o_lubvi.html)

Муҳаббат туйғусини назорат қилишнинг имконсизлик белгиси нафақат рус тилида сўзлашувчилар онгида, балки ўзбеклар ҳиссий олами манзарасида ҳам кузатилади. Масалан, “любви, да кашля от людей не спрячешь”; *касалини яширсанг, истимаси ошкор қилади; биров парини севибди, биров – қурбақани.* Умуман олганда, когнитив хусусиятни объективлаштирган мақоллар ҳар икки тилда ҳам учрайди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, рус ва ўзбек тилида “муҳаббат” концептининг когнитив хусусиятлари ўзбеклар ва руслар ҳиссий олам манзарасида айрим ўринларда умумий белгиларга эга. Масалан: *сердце сердцу весть подаёт; юрак юракка дарак берар.* Баъзи ўринларда эса ўзбеклар ҳиссий манзарасида муҳаббатнинг айрим жиҳатлари ноаниқ баҳоланади. Яъни, иккала тил вакилларининг лисоний онгида “муҳаббат” концепти турли

² .Sin-Virtue концепларининг инглиз мақолларида вербаллашуви // "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842 April 2022 / Volume 3 Issue 4 www.openscience.uz. – P.2070.

мақомга эга. Муҳаббат объектини ҳиссий олам манзарасида иррационал танлаш белгиси ўзбек халқ мақолларида рус мақолларига нисбатан кам.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шодиев, Ж. Х., & Алиева, С. С. (2023). Источники финансирования инвестиционной деятельности со стороны государства. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali*, 3(2), 294-297.
2. Shodievich, S. H., & Roziqovna, R. M. (2023). OLIY O'QUV YURTLARIDA MASHG'ULOTLAR SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ILMIY MAQOLALARNING O'RNI. *PEDAGOGS jurnali*, 25(1), 52-55.
3. Shodievich, S. H., Roziqovna, R. M., & Hamzaevich, S. J. (2023). BUGUNGI KUN KITOBLARI QANDAY BO'LISHI KERAK. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(1), 19-24.